
Пиротехника воситаларининг ноқонуний сақлашга чек қўйилди.

Пиротехника воситаларидан фойдаланишда юзага келаётган аянчли оқибатлар, айниқса ёш болаларнинг соғлиғи, хатто ҳаёти хавф остида қолиши сир эмас.

Бироқ, нафсига қул айрим кимсалар томонидан, мўмай даромад топиш мақсадида, пиротехника воситаларини эгри йўллар орқали мамлакатимиз худудига олиб кириш холлари учрамоқда.

Куни кеча ана шундай ҳолатлардан бири Қува туманида аниқланди.

Фуқаро И.З. 2022 йил 24 ноябрь куни ўтказилган тадбирда яшаш хонадонида 80 қути пиротехника воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб, пиротехника воситаси ашёвий далил тариқасида олинган.

Мазкур маъмурий иш жиноят ишлари бўйича Қува туман суди томонидан 2022 йил 6 декабрь куни мазмунан кўриб чиқилди ва фуқаро И.Зга нисбатан қонуний ва адолатли жазо тайинланиб пиротехника воситаларини йўқ қилиш белгиланди.

Шу ўринда, фуқароларимизни пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда муомалага киритилишига чек қўйиш орқали ёш авлоднинг соғлиғи ва ҳаётини асраш борасида биргаликда курашишга чақирамиз.

Иномжон Норматов,

жиноят ишлари бўйича

Қува туман судининг судьяси

2023-01-04 17:45:20